

**Сайид Ньматуллоҳ  
Иброҳим**

# **ДАРВИШОНА**

**ТУРКУМ**

**«Нафосат»  
2003**

*Китоб муаллифнинг  
яқин биродари Қодиржон  
Амиркуловнинг кўмаги билан нашр  
этилди*

---

*Физик тараққиётлар энг юксак қулласига  
кўтарилган бизнинг асримизда ридона жунун,  
орифона тахайюл ва дарвишона Ишқ инсонни  
ит маънивиятининг энг комёб нуқталарига ай-  
ланди. Фақат мавлавиёна усулларга рағбат  
билан қалам тебратаётган шоирларимиз қал-  
бида соҳибназарлар ички ва тафаккури жил-  
валанса ажаб эмас. Бу китоб ана шу улуг  
йўлдаги уринишлар ламъасидир.*

---



## МАЪРИФАТ ЧЕЧАКЛАРИ

Ҳақиқий шеърият - кўнгил изҳори. Оламда шоирнинг кўнгилдан-да сирли-синоатли мўъжиза бормикин?! У гоҳ ором-осойишта солланиб турган, гоҳи тугён уриб, талотум кўтарган уммонга менгзийди. Бағрида сонсиз-саноксиз дуру жавоҳирлар, ҳеч кимса билмаган, билолмайдиган сиру асрорлар ниҳон.

Ўзининг залворли ақлий қобилияти билан асрлар давоми таҳсину олқишларга сазовор бўлиб келаётган Суқрот замондош шоирлардан бирининг шеърини ўқиб, бир қанча маънолар кашф этади. Битта шеърда шунчалик гўзал маъноларни жой эта олган шоирга тасанно айтиб, шеърдаги қолган бошқа маънолардан ҳам воқиф бўлиш илинжида муаллифнинг ҳузурига шошилади. Аммо шоирнинг ўзи билан учрашгач, ҳафсаласи пир бўлади. «Ўзи ёзган шеърни менчалик тушунмаскан» деган хулосага келади файласуф.

Дарҳақиқат, бу гувиллаган сирли уммон шоирнинг ўзига ҳам мўъжиза - муаммо. Илҳом деб аталувчи соҳир лаҳзаларда у ўзининг бағридаги дуру жавоҳирларни шу қадар жаззоб рангларда намойиш этади, бу ноёб гавҳарларни шунчалик нафосат ва назокат ила тизиб чиқадики, уни кўрган аҳли тамиз ҳай-



рат бармоғини тишлаб қолади.

Агар шундай бўлмаганида шеърят қуруқ насиҳатгўйликдан нарига ўтолмаган, илҳом лаҳзалари адаб аҳли томонидан бунчалик эъзозланмаган бўларди.

Бу уммон илҳом лаҳзаларида шоирнинг ўзини ҳам мўъжизали комига тортади. Ақл билан ўйлаб топшиш имкони бўлмаган манзараларни унинг наздида ҳувайдо этади.

**Ман ба фармони дилам,**

**Кай дил ба фармони ман аст?**

**(Мен дилимнинг итоатидаман,**

**Қачон дил менга итоат қилувди?) -**

дейди ҳазрати Мирзо Абдулқодир Бедил.

Мавлоно Жалолiddин Румийнинг жон олгувчи газаллари ҳам ана шундай файзли лаҳзаларнинг маҳсули.

Иқтидорли шоир Саййид Неъматуллоҳ Иброҳимнинг “Дарвишона” деб номланган ўта самимий, дилкаш, гўзал газаллари туркумини илк бора ўқиган, маърифат мулкидан келтирилган бу сўлим чечакларни ҳидлаган шоир дўстимиз ниҳоятда тўлқинланиб кетади. Сеҳрангиз мисралар таъсирида “Бундай газалларни ўқигач, киши дунёни коптокдай қўлига олиб, отиб юборса бўлади, - дейди худ-бехуд.

“Агар маърифатга жисм ато этилганида эди, унинг гўзаллиги қаршисида барча халойиқ ҳушдан айрилиб йиқиларди”, - дейди авлиё



уллоҳдан бири.

Табиийки, шоирнинг иймон-эътиқоди қанчалик бақувват, унинг ўз Яратувчисига, Ватанга, дунё ва одамларга нисбатан меҳр-муҳаббати қанчалик мустаҳкам, маънавияти қанчалик гўзал, маърифати қанчалик юксак бўлса, шеърияти ҳам шунчалик дилкаш, шунчалик орифона бўлади.

**“Мушк он бошад, ки худ бибўяд,**

**На он, ки аттор бигўяд, -**

мушк атторнинг таъриф-тавсифига, мақтовига муҳтож эмас, хўшбўй ҳидининг ўзи уни ошкор этади), - деган ҳикматга амал қилиб, алоҳида газалларга тўхталмайман.

Маънавияти гўзал шоиримизга худодод қалбининг сўлим чечаклари - гўзал газаллар, шеърият шайдоларига эса маърифат нури ила йўғрилган бу гўзал туркум муборак бўлсин!

**Оллоҳ муборак айласин!**

**Абдуллоҳ Зухур**





**Бисмиллаҳир-  
роҳманир-роҳийм**

\*\*\*

*Дунё, чаманинг ичра сенинг  
зар кӯрадирман,  
Шул зарни талош этгали  
ханжар кӯрадирман.*

*Гафлатда қолиб ўзлигини  
англамаганлар —  
Шаклинда мудом маймун  
ила хар кӯрадирман.*

*Эй ошиқи зор, наздима сен  
келки саҳарлар,  
Қалбингда сенинг нур ила  
жавҳар кӯрадирман.*





\*\*\*

Бир Ишқ, анинг сиррини бу  
қон била олмас,  
Бир нур, анинг важҳини бу  
жон била олмас.

Бир дард, анинг жабрига  
олам чидайолмас,  
Бир аҳд, анинг ҳаддини  
Кайҳон била олмас.

Бир сирки, маним жонима  
ўтлар солардир, бас,  
Беҳуда эрур сўйламак,  
Инсон била олмас.





\*\*\*

Ҳайқирсам агар Дунё маним  
қошима етгай,  
Бўйимга бўйин бўйлагаю  
ёшима етгай.

Ул барча суюқ фаҳши ила  
меҳмон этадир,  
Бардоши ила, билдим,  
бардошима етгай.

Мен бир кун анинг юзларига  
«туф!» деядирман,  
Дунё шу куни қаҳри билан  
бошима етгай.







\*\*\*

*Минг йилки, ҳажр бодиясинда  
борадирман,  
Минг йилки, дилим нур ичида  
ўт орадирман.*

*Умримга боқиб шарм этадирман,  
яшадим кўп,  
Куфримни кўриб юзи шувут --  
қоп-қорадирман.*

*Минг йилки, мудом пойинга  
бош қўйдиму куйдим,  
Минг йилки, Сенга талтинаман,  
ёлворадирман!..*





\*\*\*

Ёдим куядир... ёдлаганим  
ёдима етмас,  
Минг айшу усул рамз ила  
имдодима етмас.

Ул дардима дард бергаю,  
бардошима бардош,  
Юз додима дод берса-да  
бир додима етмас.

Бунёдингга ол, десам ул  
бунёдига қўшмас,  
Барбодима кел, дедим ул  
барбодима етмас.





\*\*\*

Не жабру жафо бўлса мудом  
Ёр тарафинда,<sup>1</sup>  
Не аҳду вафо бўлса ниҳон  
ор тарафинда.

Гафлатга мудом жўр этадир  
қўшигини дайр,  
Бозорини ул қиздиради  
чор тарафинда.

Жоҳилни ҳамон толе суяр  
салтанат ичра,  
Ошиққа эса бахт куладир  
дор тарафинда.

---

<sup>1</sup> «Тарафинда» - Шох Машраб радифи.





\*\*\*

*Севдингми, дилим, оташ ила  
ёр бўладирсан,  
Ғафлатга мудом душман-у  
агёр бўладирсан.*

*Номаҳрам эрур Дунё сенинг  
розинга, билким,  
Розингни анга сўйламагил,  
хор бўладирсан.*

*Ҳар бир нафасинг ишқ  
ила омухта бўлибди —  
Сен бор эдинг у олам аро,  
бор бўладирсан.*





\*\*\*

*Кошкийди куфр бирла Сени  
фарқ эта олсам,  
Фикримни Сенинг зикринг ила  
барқ эта олсам.*

*Чун комил ўлиб донишу илм,  
ақлу хирадда,  
Мағрибни улуғ илминг ила  
Шарқ эта олсам.*

*Равшан биламан: фалсафанинг  
кўзлари кўрдир,  
Оҳ, нуринг ила кошки уни  
гарқ эта олсам!..*





\*\*\*

*Дунё, жасадинг узра сенинг  
ранг қоладир, бас,  
Тупроқ қоладир, тогинг аро  
санг қоладир, бас.*

*Нуринг ўчадир ботину  
зуҳрингда ахийри,  
Бунёдинг уза асфар ўлуб  
занг қоладир, бас.*

*Кўксингга сенинг санчилидир  
оҳ ила дардлар,  
Биздан бу фалак қаърида  
оҳанг қоладир, бас.*

\*\*\*

*Бешиқ бу вужуд толди-ку,  
эй дил, хабар олгил,  
Олам қорайиб қолди-ку,  
эй дил, хабар олгил.*

*Дунё мани ишқ созига  
жӯр бўлгали қўймас,  
Дун созини у чолди-ку,  
эй дил, хабар олгил.*

*Бу жоҳилу бадбахт кишилар  
фитнаси бирла -  
Бағримга гараз солди-ку,  
эй дил, хабар олгил!*





\*\*\*

*Ҳалложи шаҳид дунёни  
аброр эта олмас,  
Басрий дилини олами  
ағёр эта олмас.*

*Шиблий кўзининг гардишида  
саргаяр очун,  
Дунё, сени ул ўзига чун  
ёр эта олмас.*

*Машираб куладир ботинида  
қаҳқаҳа отиб,  
Дунё ҳавасин бўйнига зуд  
дор эта олмас...*





\*\*\*

Мен ишқ элининг дарди ила  
оҳи бўлибман,  
Гофил бу макон хайлини  
огоҳи бўлибман.

Кимки суядир тилда фақат –  
ёр бўла олмас,  
Кимки куядир ишқ ила --  
дилхоҳи бўлибман.

Қалбимда маним юз очадир,  
оҳ, мулки кабир,  
Мулкимни фақир дарвишию  
шоҳи бўлибман.





\*\*\*

*Тунларда куйиб дардим ила,  
шам менга боқди,  
Тонгларда кўзим ёшида  
шабнам менга боқди.*

*Агёра мудом «бахт» ила  
“иқбол” куладир, бас!  
Билмам, негадир, олам аро  
гам менга боқди.*

*Рўзгори мудом ўт ичида  
кечдимикин деб,  
Бир оҳим ила куйди-да,  
олам менга боқди...*



\*\*\*

Бу шиқи бало дастида  
заҳматга кўмилдим,  
Нурин тиладим Ёрни,  
сийратга кўмилдим.

Севдим-да ахийр, субҳи саҳар  
олама боқдим,  
Ҳар заррада кўрдим ани -  
ҳайратга кўмилдим.

Меҳнат тиладим, ҳам сўрадим  
васлини Унинг,  
Жабрида куйиб, нур ила  
раҳматга кўмилдим.





\*\*\*

*Куйдиргали келган эсанг, ўт,  
қонима туш сен,  
Суйдиргали келган эсанг, ўт,  
жонима туш сен.*

*Кўнглим совутар бўлсанг агар  
ранг ила бўйдин,  
Бўстонима туш, ҳар гулу  
райҳонима туш сен.*

*Узмоқчи эсанг умрими бу  
фисқу фужурдан,  
Имкониму ҳар ёниму  
ҳар онима туш сен!..*



\*\*\*

Фарёдки маним пойима чўнг,  
гул берди ҳаёт,  
Ташвиши ила андуҳини  
мўл берди ҳаёт.

Оташ сўрабон бағрига  
бош қўйсам-да анинг,  
Сўндирди дилим оташини,  
кул берди ҳаёт.

Сўнг... нафрат ила отдим анга  
сўз ханжарини,  
«Шоир!» дедию дастима кўп  
гул берди Ҳаёт...





\*\*\*

*Иймони заиф ўлса киме,  
ёр бўла олмас,  
Оламда унинг шакли юрар,  
бор бўла олмас.*

*Феълида унинг йўқ асаре  
сидқу вафодин,  
На дўст бўладир сенга,  
на агёр бўла олмас.*

*Эй дил, сенга жон қилди ато  
маърифати руҳ,  
Ўзга ҳама андишае  
асрор бўла олмас.*





\*\*\*

Дунёни агар истасанг ул  
зар келадир, ол,  
Ишратни агар истасанг ул  
гар келадир, ол.

Руҳингни гўзал этмак учун  
ёдингга сенинг  
Найсонинг аро сарву  
санавбар келадир, ол.

Эркимни тонай дерсан агар  
уқбода абад,  
Бўйнингга сенинг дор ила  
ханжар келадир, ол.





\*\*\*

*Мендай яна бир борми гариб  
кас қафасингда,  
Чун Сенга таважжух этаман  
ҳар нафасимда.*

*Ишқингда савол айладим-у  
дил бўлди фано,  
Дунё яралиб қолди сенинг  
бир ҳавасингда.*

*Тонглар тўкилур кавкаби дур  
бошимга маним,  
Минг бора ўлиб қайта  
тирилдим жарасингда.*







\*\*\*

Ё раб! дедиму «ху!» ила  
Бағдода етишдим,  
Ё Ғавси кабир, ишқ ила  
бамдода етишдим.

Иршод узатиб Шайхи Умар  
дастимга манам,  
Ҳол бирла чунон сўзлади...  
имдода етишдим.

Бунёди дилим завқи ила  
сархуш ўлубон,  
Қайтдим ватаним бағрига -  
барбода етишдим...





\*\*\*

*Дунё бу маним розими  
тасвир эта билмас,  
Ашъориму афкорими  
тахрир эта билмас.*

*Ким қулдир анга, бўйнига гул—  
домини солгай,  
Лек ул ҳавасин бўйнима  
занжир эта билмас.*

*Мен унга мутеъ бўлмадим,  
у бошимга бало!  
Тазвир қилайин дейди-ю,  
тадбир эта билмас.*



\*\*\*

Ул ишқи нигор субҳи саҳар  
жонима сингди,  
Имконим асир ўлди,  
чу имконима сингди.

Кўрдимки ганим севгиси  
иймон бўла билмас,  
Не бахтки Унинг билгиси  
иймонима сингди.

Дорингни ўпай ҳурлигима  
сен кафил ўлсанг,  
Эй тийги жафо, кел, бу Ишқ  
қонима сингди.



\*\*\*

*Эй пора дилим, пора дилим,  
садпора кўнгил,  
Не истаюр ул, талпинадир  
ул ёра кўнгил.*

*Минг таъна ўқи захми ила  
зардоба эрур,  
Афтода кўнгил, бода кўнгил  
овора кўнгил.*

*Гафлатга қулу банди ўлиб  
гам шоми аро,  
Минг бора севиб етмади лек  
бир бора кўнгил...*



\*\*\*

Дунё, сенга бир жода каби  
роҳ керак эрди,  
Аҳкоминга адл, кўксинга бир  
оҳ керак эрди.

Дийдамни басир айлади  
пайгоми «Аналҳақ!»  
Мансур каби ёнима  
дилхоҳ керак эрди.

Бошимни қўяй доринга  
чун ошиқи бедил,  
Фатво ила шоҳ ҳамда  
қатлгоҳ керак эрди.





\*\*\*

*Ишқ ўти маним матлаби дил,  
комима тушмиш,  
Мен унга асир ўлдим-у,  
у домима тушмиш.*

*Умримга анинг файзи - сафо,  
мазмун бўладир,  
Ҳам нури анинг субҳу саҳар,  
шомима тушмиш.*

*Махмур эдим, маст эдим  
нурпараст эрдим,  
Аллоҳга шукр, ишқ майи  
жсомима тушмиш.*



\*\*\*

*Бир нур, анинг шуъласига  
жсон чидаёлмас,<sup>1</sup>  
Бир ўтки, анинг тафтига  
бу қон чидаёлмас.*

*Эй Балх, сенинг оҳангларинг  
бунча эрур талх!  
Умрим қўшигин айтсам  
у майдон чидаёлмас.*

*Ҳаллож дилидан топди дилим  
нури тажалли,  
«Мен ҳақ!» демадим:  
додима Кайҳон чидаёлмас.*

---

<sup>1</sup> «Чидаёлмас» - Шоҳ Машраб радифи





\*\*\*

*Чашиммга маним суврати  
Дунёни чизингиз,  
Кўнглимга маним сийрати  
Куброни чизингиз.*

*Нафсимга нафас сад чекади  
эмди дамодам,  
Жисмимга маним хилқати  
хулёни чизингиз.*

*Бағримга совуқ санчилади  
турфа садолар,  
Руҳимга маним хилвати  
уқбони чизингиз...*







\*\*\*

Ё раб, бу замон гумраҳ ўлуб  
роҳ йўқотибман,  
Бедард ўлубон андуҳ ила  
оҳ йўқотибман.

Ул сарвари олам эди-ку  
кўнглимда маним,  
Кўнглим тубидан балки улуг  
шоҳ йўқотибман.

Сиймин қамарим кўксима нур  
бергучи эрди,  
Тийра фалаким узра букун  
моҳ йўқотибман...





\*\*\*

*Кетди санамим, дард ила,  
тугён ила қолдим,  
Жисмимда мудом гамзада бу  
жон ила қолдим.*

*Ҳайҳот, йўқатиб гафлат аро  
нуқтаи нурим,  
Касрат аталур олами  
вайрон ила қолдим.*

*Одам йўқолиб фисқу фуҷур  
ичра дамодам,  
Зулмат ичида турфа бу  
ҳайвон ила қолдим.*



\*\*\*

*Битгай аламим, жисмима сен  
жон бўла олсанг,  
Жоним берайин сенга  
чу жонон бўла олсанг.*

*Эй ҳур, юрагим ҳаприқади  
орзу илаким:  
Бир бора кўзим ўнгида  
инсон бўла олсанг.*

*Ёлғизлик аро ўртанадир  
ҳам ёнадир дил,  
Ўз оламима етгали  
имкон бўла олсанг...*





\*\*\*

*Дунё ватаним бўлса-да  
бир додима етмас,  
Минг савту садо бирла  
у фарёдима етмас.*

*Асрори Унинг - олам аро  
неки кўрибман,  
Имдод қиладилар Ёр,  
чу имдодима етмас.*

*Барбод қиладир ҳажр ила,  
барбоди - ҳаётим,  
Бунёд қиладир ишқи,  
чу бунёдима етмас.*



\*\*\*

Эй дӯсти азиз, боқки бу Дунё  
ватанингдир,  
Ол рангу бўйин меҳр ила Дунё  
чаманингдир.

Ўқдай учадир сўнгра сенинг  
умри шамолинг,  
Чопгил, ганимат билки бу Дунё  
саманингдир.

Уқбода сенинг меҳри дилинг  
бўлгайу маҳмил,  
Жисминг қоладир бунда чу Дунё  
кафанингдир...





\*\*\*

Умрим кечишин умрими  
ҳар шомида кӯрдим,  
Ғафлатни эса дунёи дун  
комида кӯрдим.

Чун расму русум, урф ила  
одатни адосин, -  
Қомусни асл шарҳидамас,  
номида кӯрдим.

Аҳли шуаро кӯркини сӯз  
санъати бирла,  
Ёхуд шуҳадо эркини тиг  
домида кӯрдим.



\*\*\*

*Эй бандаи хор, банди нафас,  
банди қафассан!  
Сен бори шугул, бори чуғул,  
бори ҳавассан!*

*Ишратзада тан, ҳою ҳавас,  
орзуйинг ила  
Тӯфони дайр ичра мудом  
учғучи хассан.*

*Бир бора дилинг аршида Ҳақ  
нурини топмай,  
Мавжуди ҳаёт ичра ҳамон  
одам эмассан!..*



\*\*\*

*Эйвоҳ, ки ҳажр водисида  
шеър бита олсам,  
Ҳуснингни сенинг сўзлар ила  
ёд эта олсам.*

*Пойимда маним гарди видо  
кўчса фанода,  
Дарвиш каби бир «ҳу» ила  
нурга ўта олсам.*

*Нур тийғи ила пора қилиб  
пардаларингни,  
Уқбога - Сенинг кўшикинг аро  
зуд эта олсам!..*







\*\*\*

*Руҳимга мудом хилвати  
махмур тиладим мен,  
Жисмимга эса хирқаи  
Мансур тиладим мен.*

*Нажмиддини Кубро каби худ  
субҳи саҳарлар  
Нафсимга фақат кулфати  
маъмур тиладим мен.*

*Шамсулҳақи Табриз - мани  
бағримдаги ўт,  
Кўнглимга анинг ишқи каби  
нур тиладим мен.*





\*\*\*

Дилдори замон на керак,  
дилдорим ўзинг,  
Ҳам мавҳум ўзингсан-ку, ажаб,  
ҳам борим ўзинг.

Бу дўсту ганим фарқини мен  
ҳеч била олмам,  
Аҳрорим ўзингсан  
даги аброрим ўзинг.

Ашён дайр ичра ўзинг  
зуҳр этадирсан,  
Ошкорим ўзингсан,  
яна асрорим ўзинг!



\*\*\*

Дунё, сенга бу суврат-у,  
сийрат менга бўлсин,  
Довруғ ярашар сенга, бу  
ҳикмат менга бўлсин.

Хўн, сенга ато бўлсин ўшал  
шаклу шамойил,  
Мазмун бўладир, майлига,  
тийнат менга бўлсин.

Ғайратга талаб кўн-ку, ахир,  
сенда, югур тез,  
Мен бунда сукут сақлай-у,  
ҳайрат менга бўлсин...





\*\*\*

*Кетгувчи ҳама, шодлик ила  
гам қола билмас,  
Тоғлар кетадир, мӯру малах  
ҳам қола билмас.*

*Кетгувчи ҳама, олам аро  
бахри муҳит ҳам,  
Бир қатраси-да бунда  
чу шабнам қола билмас.*

*Маҳмилинг аро эй дил, сен ҳам  
кетадирсан бил,  
Афлоки адам ичра  
бу олам қола билмас.*

\*\*\*

*Жоним суядир Ёрни, вале  
қон куядир,  
Қоним суядир дорни, вале  
жон куядир.*

*Мен ишқ элининг кун-кеча  
меzbони эдим-оҳ,  
Лек ишқ ўтида меzbону  
меҳмон куядир.*

*Кечмоқчи эдим ҳажрида  
савдою сазодин,  
Ишқсиз қолажак ўлсам,  
бу иймон куядир!..*





\*\*\*

*Мавлоийи Румий руҳи менга  
пир бўладир, дӯст,  
Ашъорима жон, кўнглима  
такбир бўладир, дӯст.*

*Олам, ки маним изларима  
гул сочадир, бас,  
Бул барча ҳавас бирла  
у занжир бўладир, дӯст.*

*Шамсулҳақи Табриз, ки маним  
пийрима тирдир,  
Асрори анинг қалбима чӯх  
сир бўладир, дӯст!*





\*\*\*

Эй зори дилим, зори дилим,  
зоринга балли,  
Бу ўтлар аро ўлмаганинг,  
боринга балли!

Сен фисқу фужур оламининг  
эркаси эрдинг,  
Андин сени зуд қутқаручи  
Ёринга балли!

Сен кетсанг агар Сўз қоладир  
бунда - нишона,  
Абётинг аро қолгучи  
асроринга балли!



**Мухаррир:**

Абдулло Зухур

**Техник муҳаррир:**

Бобо Юсуф

**Компютерда терувчи:**

Нурия Рауфова

**Мусахҳих:**

Абубакр Асоев

---

---

*Босмахонага берилди 2.12.2003. Босишга рухсат  
этилди 20.12.2003. Бичими 60X90 1/32. Адабий  
гарнитура. Юқори босма. Нашр табағи 1,5.  
Адади 2000 нусха. Буюртма рақами №\_\_\_.  
Баҳоси шартнома асосида.*

---

---

«Нафосат» нашриёти.

Душанбе шаҳри, Съъдий Шерозий хиёбони, 16. 2003 йил.